



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2009 йил
4 февраль
ЧОРШАНБА
№ 10
(12.125)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нарҳда сотилади

ИШОНЧ ЁРЛИКЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовга 3 февраль куни Оксфордда Швейцария Конфедерацияси, Хиндистон Республикаси ва Чехия Республикасининг мамлакатимиздаги Фавкуллода ва мухтор элчилари этиб тайинланган – Анн Боти хоним, Манал Шах Алкадри, Роберт Коцецкий ишонч ёрликларини топширди.

Давлатимиз раҳбари ишонч ёрликларини қабул қилиб олар экан, дипломатларни шарафли ва масъулиятли лавозимга тайинлангани билан қўтлади, юртимизда бошланган миссияларида муваффақият тилади. Ўзбекистоннинг ушбу мамлакатлар билан ўзаро муносабатлари ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Ўзбекистон билан Швейцария ўртасида 1992 йил 7 май куни дипломатия муносабатлари ўрнатилган. 2003 йилнинг май ойидан Тошкентда Швейцария Конфедерациясининг элчихонаси фаолият кўрсатмоқда.

Икки томонлама муносабатлари ривожлантиришнинг устувор йўналишлари Ўзбекистон ва Швейцария раҳбарларининг учрашувларида белгиланган.

Ўзбекистон билан Швейцария ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг ҳуқуқий асосини савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик, сарможаларни ўзаро ҳимоялаш ва рағбатлантириш, икки томонлама солиқдан қочиш, техникавий ва молиявий ҳамкорлик тўғрисидаги ҳуқуқматлаблар бимиллат ташкил қилади. Икки мамлакат ўртасида иқтисодий соҳада энг кўп қўлайлик яратиш тартиби жорий қилинган. Шунингдек, савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳуқуқматлаблар комиссияси тuzилган. 1995 йилдан бунён Швейцариянинг Альтендорф шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Савдо-кўргазма маркази фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Швейцарияга асосан энергия манбалари, пахта толаси, қимматбаҳо тошлардан асалган буюмлар экспорт қилади. Бу мамлакатдан транспорт ва коммуникатсия хизматлари, фармацевтика маҳсулотлари, механик ва электрик ускуналар, оптик қурилмалар, озиқ-овқат маҳсулотлари импорт қилади.

Ўзбекистонда швейцариялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда тuzилган 91 қўшма корхона, ушбу мамлакатдаги 33 фирма ва компаниянинг ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда. «Креди Свисс» банки ҳам Ўзбекистонда ўз ваколатхонасини очган.

2002 йилда Швейцария элчихонаси ҳузурда ҳамкорлик бўйича бюро иш бошлади. У қўшма ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш билан шуғулланади. 1998 йилдан бунён умий қиймати 22 миллион АҚШ долларига тенг 17

лойиҳа амалга оширилди. Яна 42 миллион долларлик 13 лойиҳанинг ижроси давом этмоқда. Ушбу лойиҳалар тизимларини барпо этиш, иссиқлик узатиш тармоқларини реконструкция қилиш, касб-хўнар таълими тизимини такомиллаштириш, маънавий хизмат, компьютер технологиялари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган.

Анн Боти хоним икки томонлама алоқалар жадал ривожлантиришни таъкидлаб, Ўзбекистондаги фаолият давомиди ва ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор билан ёндашишини таъкидлади.

Хиндистон Ўзбекистоннинг аънаваний дўсти ва ишончли шеригидир. Замонлар синовидан ўтган, халқларимизнинг азалий дўстлиги ва маънавий яқинлигига асосланган ўзаро муносабатлар истиқлол йилларида янги қадамларга олиб бораётганини таъкидлади.

Хиндистон Ўзбекистон билан олий даражадаги мулоқотларни мунтазам йўлга қўйган. Хусусан, 2005 йилда Президент Ислон Каримов Хиндистонга ташриф буюрган бўлса, 2006 йилда Хиндистон Бош вазири Манмохан Сингх Ўзбекистонга келди. Бу ташрифлар асосида нефть-газ, кончилик, қишлоқ ҳўжалиги, савдо, саноат, юқори технологиялар, таълим, маданият, кичик бизнес каби соҳаларга оид қўшма ҳўжатлар имзоланиб, ҳамкорликнинг мазмунини бойитиш ва қўламини ошириш учун янги имкониятлар очиб берилди.

Икки мамлакат ташқи сиёсат маҳкамаларининг маслаҳатлашувлари изчил йўлга қўйилган. Бу ўзаро муносабатларга доир долзарб масалаларни муҳокама қилиш, минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашиш учун яхши имконият yaratилмоқда. 2003 йилда тuzилган халқаро терроризмга қарши курашиш бўйича қўшма ишчи гуруҳи ҳам мунтазам мажлислар ўтказиб туради. Парламентлараро алоқалар ҳам фаол. Икки мамлакат олий кўнун чикарувчи органлари ваколатхоналари Ўзбекистонда ва Хиндистонда ташкил этиладиган парламент анжуманларида иштирок этиб келмоқда.

Ўзбекистон-Хиндистон муносабатларини ривожлантиришда савдо-иқтисодий ҳамкорлик муҳим ўрин тутаяди. Ўзбекистонда Хиндистоннинг ўнга яқин компанияси

ўз ваколатхонасини очган, хиндистонлик ишбилармонлар билан шерикликда тuzилган корхоналар сони ўттиздан ошди. Улар фаолиятининг асосий йўналишлари халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, фармацевтика, қурилиш, сайёҳлик ва савдо каби соҳалардан иборат.

Таълим, маданият ва спорт соҳаларидаги алоқалар мамлакатларимиз ўртасидаги гуманитар ҳамкорлик қўламини кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Икки халқнинг санъат намоёндалари Ўзбекистонда ва Хиндистонда ташкил этиладиган кўргазмалар, форумлар, фестивалларда мунтазам қатнашиб келади.

Ўзбекистонда ҳам, Хиндистонда ҳам халқаро молиявий инқироз таъсири сезилгани йўқ, – деди Хиндистон элчиси Манал Шах Алкадри. – Дипломат сифатида шуни айтмоқчиманки, икки томонлама аънаваний яқин ҳамкорликни янада ривожлантириш йўлида куч-гайратимни аямайман.

Ўзбекистон ва Чехия бир-бирини ишончли шериклар деб ҳисоблайди. Ўзбекистон-Чехия иқтисодий муносабатлари савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик, сарможаларни ўзаро ҳимоялаш ва рағбатлантириш тўғрисидаги битимлар каби қатор ҳўжатларга асосланади.

Бу борада мамлакатлар ўртасида энг кўп қўлайлик яратиш тизими жорий этилган. Қўшма комиссия тuzилган. Юртимизда чехиялик шериклар билан ташкил этилган йиғирмадан зиёд қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар халқ истеъмоли моллари, шу жумладан, озиқ-овқат ва гушт-сут маҳсулотлари, кийим-кечак, қурилиш материаллари, дори-дармон ишлаб чиқариш ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳаларида иш юритади.

Гуманитар ҳамкорлик ҳам изчил ривожланмоқда. Ўзбекистонлик ёш ижодкорлар Чехиянинг Лицида шаҳрида ўтадиган аънаваний Жаҳон болалар ижодиёти кўргазмида қатнашиб келади. Икки мамлакат илмий-тадқиқот муассасалари материалшунослик, микроэлектроника, ядро физикаси, машинасозлик, тиббиёт каби муҳим соҳаларда ҳамкорлик қилмоқда.


Ушбу мамлакатнинг янги элчиси Роберт Коцецкий икки томонлама муносабатлар изчил ривожлантиришни таъкидлаб, Чехия ва Ўзбекистоннинг салоҳияти катта эканини, ўз миссияси давомида қўшма солиштирилган имкониятлардан тўлақон фойдаланишга алоҳида эътибор қаратишини қайд этди.

Ў.А.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

ХОМ СУТДАН ТАЙЁР МАҲСУЛОТГАЧА

Юқоричирчиқ туманидаги "Тано" фермер ҳўжалигида замонавий технология асосидаги сутни қайта ишлаш цехи ишга туширилди.



Россиядан олиб келиб ўрнатилган минитехнология суткасига 1 тоннадан ошроқ сутни қайта ишлаш қувватига эга. Ҳозирнинг ўзданок цехда "Kamika" ёрлиги билан 15 турга яқин сифатли сут маҳсулотлари тайёрланади, аҳоли дастурхонига етказиб берилаяпти. Бежирим қадоқлардаги маҳсулотлар харидорлар эътиборини ўзига тортаяпти. – Сигирларимиздан кунига икки тонна атрофида сут соғиб олиб, асосан ҳарбий қисмлар ва қайта ишлов корхоналарига жўнатаётган эдик, – дейди ҳўжалик раҳбари Фахриддин Зайниддинов. – Эндиликда унинг асосий қисмини ўзимизда қайта ишлаш имкониятига эга бўлдик. Бу албатта, сутдан олинмаган даромадимизга барака киритаяпти. Энг муҳими, цех ишга туширилиши билан 8 та қўшимча иш ўрни yaratилди.



СУРАТЛАРАА: сутни қайта ишлаш цехи мана шундай замонавий ускуналар билан жиҳозланган; тайёр маҳсулотлардан намуналар.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

Фармон ва ижро

Ўқув пунктлари МАВСУМГА ТАЙЁР

Президентимиз Ислон Каримовнинг қарорига мувофиқ, жорий йилнинг февраль-март ойларида мuddатли ҳарбий хизматга ва оилавий шароити талаб даражасидаги йиғитлар Куроли Кучларимиз сафига тантанали равишда кузатилади.

Ёш аскарлар армиямиз қўшинларининг ўқув пунктларида жойлашади ва у ерда бошлангич ҳарбий билим ва қўнимга эга бўлади. Шу боис, ўқув пунктларини мавсумга тайёрлаш, уларнинг моддий-техник базасини мустахкамлаш, ўқув дастурларини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш керак.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 20 ноябрда қабул қилинган "Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Куроли Кучларида мuddатли ҳарбий хизматини ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Ушбу ҳужжатда Куроли Кучларимиз қўшинларининг ўқув пунктлари инфратузилмасини ривожлантириш, уларни моддий-техник асёлар, замонавий талабларга мос кийим-кечак ва озиқ-овқат билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Ички

Таабир

Тошкент туманида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ижтимоий-маънавий муҳитини янада соғломлаштириш, диний ақидапарастликнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

ТАРБИЯНИНГ ТАЪСИРИ БЕҚИЁС

Унда туман ҳоқими ўринбосарлари, ҳуқуқий муҳофаза қилувчи идоралар ҳамда мутаассиди ташкилотлар раҳбарлари, касб-хўнар коллежлари ва мактаб директори ўринбосарлари, ўқувчи-талабалар, ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа тегишли идора вакиллари иштирок этишди. Таабирда қарор ижросини таъминлаш юзасидан туманда бир қатор амалий тадбирлар белгиланиб, аҳоли, ёшлар орасида, корхона ва ташкилотларда тарғибот-ташвиқот учрашувлари ўтказилиб, диний экстремистик оқимга мойил шахслар билан тарбиявий ишлар олиб борилаётгани таъкидланди.

Шунингдек, миссионерлик, диний ақидапарастлик каби муаммоларга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги, қолаверса, ёшлар тарбияси, кийиниш маданияти, одоб-ахлоқ масалалари хусусида атрофлича сўз юритилди. Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдилар.

Саид ҲАСАНОВ.

Шу куннинг гапи

Инсоннинг эмин-эркин яшashi, ўз тақдирини ўзи яратиш ҳуқуқи мубаддас. Мустақиллик шарофати билан унинг ҳаёти, эркинлиги, шайни, қадриятлари ҳимоя қилинади.

қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари бебаҳо қадрият эканлиги мамлакатимизнинг Асосий Қонунидида белгиланган.

ҲИМОЯЧИЛИК КАСБИ МЕЗОНИ

Шу боис суд-ҳўққ ислохотлари жараёнида фуқаролик жаъмиятининг асосий институтларидан бири – адвокатура соҳасини такомиллаштириш, унинг нуфузини ошириш, дахлсизлиги ва мустақиллигини таъминловчи қўнунчилик асосларини яратишга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Улар, асосан, "Адвокатура тўғрисида", "Прокуратура тўғрисида", "Судлар тўғрисида"ги Қонунлар, Жиноят ва Жиноят процессуал кодексларининг айрим моддаларида мустахкамланган.

Лекин шунга қарамай, ўз миқозлари ҳўқуқларини ҳимоя қилишда адвокатлар оғиз бўлиб қолаётган ҳолатлар йўқ эмасди, – деди "Тошкент ҳақиқати" муҳбири билан суҳбатда адвокатлар палатаси аъзоси Далабой Раззоқов. –

Шундай воқеа эсимда. Бир жиноят иштини кўриб чиқиш жараёнида адвокат Х. Нуримухамедов академик Х. Сулаймонова номидида республика криминалистика илмий-тадқиқот марказига экспертнинг ёзма хулосасини сўраб мурожаат қилди, аммо рад жавобини олди. Зеро, адвокатнинг бундай ҳўқуқи амалдаги қонунларда қўзда тутилмаган эди.

"Адвокатура тўғрисида"ги қонун бундай ҳолатларга барҳам берди. Унда касбий фаолиятни амалга ошириш, юридик ёрдам кўрсатиш, миқознинг розилиги билан давлат идоралари, корхона, муассаса ва ташкилотлардан ҳамда жаъмоат бирлашмаларидан зарур маълумотлар, тавсифномалар, ҳўжатлардан кўчималар, эксперт хулосалари, мутахассис-

(Давоми 2-бетда).

ҲАМЖИҲАТЛИК САМАРАЛАРИ

Янгийўл шаҳрида ОИТС, гиёҳвандлик каби иллатларга қарши қандай ишлар амалга оширилмоқда?

Илм-фан юксак чўққиларга кўтарилган, техника ва технология, ахборот коммуникатсиялари мисли қўрилмаган даражада тарқайётган бизнинг замонда ҳам инсоният баъзи муаммолар, иллатлар қаршида оғир қолмоқда.

Дунё жаъмоатчилигини жиъдий ташвишга солиб қолдирган ана шундай муаммолардан бири ОИТС касаллиғидир. Бу даҳшатли офат туфайли шу пайтга қадар миллионлаб инсонларнинг ёстиғи қурди. Унинг олдини олиш, тарқатишга йўл қўймайлик борасида кенг қўламли чоралар кўрилаяптганига қарамай, қурбонлар сони камаймайди.

Бу офат бизнинг мамлакатимизга ҳам мудҳиш қўланкасини ташлаётгани ҳар биримиздан янада хўшёр, сергак ва оғоҳ

бўлишни талаб этади. Зеро, сергаклик ҳар бир соҳада зарур.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, халқимизнинг тиббий маданиятини юксалтириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш борасида кенг қўламли ишлар олиб бориш керак. Жумладан, ушбу хавфли касаллик тарқалишининг олдини олишга ҳам алоҳида эътибор қаратилаяпти.

2008 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш самардорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори, 2009 йил 5 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасининг "ОИТСга қарши кураш марказларининг ташкилий тuzилмасини ва фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳамда 2009-2011 йилларда Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси тарқалиши профилактикаси бўйича саъй-ҳаракатлар Миллий режасининг қабул қилиниши бу борадаги ишлар қўламини кенгайтиришда далалат беради.

Айни пайтда мамлакатимизнинг барча шаҳар ва туманларида, хусусан, Тошкент вилоятида ҳам ушбу ҳўжатлар ижроси юзасидан муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, аҳоли ўртасида ОИВ/ОИТС касаллигига қарши курашиш бўйича тушунтириш ишларини олиб бориш, аҳолини, айниқса, ёшларни

ушбу хавф-хатардан асраш ва ҳар томонлама соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш борасида кўпгина ишлар қилинмоқда.

Тошкент вилояти ОИТС марказидан олинган маълумотларга қараганда, шаҳар ва туманларда марказнинг тўққизта махсус лабораторияси фаолият кўрсатмоқда. Шунга қарамай, вилоятнинг Чирчиқ, Олмалик, Янгийўл шаҳарларида бу даража чагинганлар сони нисбатан юқори.

Янгийўл шаҳрида ҳам бу офатга қарши кескин чора-тадбирлар қўлланилмоқда. Шаҳар кўп тармоклик марказий поликлиникаси қошида юқумли касалликлар бўлими, диагностика маркази, ишонч хоналари, жойларда ишонч телефонлари ишлаб турибди.

(Давоми 2-бетда).

ИСЛОМ КАРИМОВ МОСКВАГА ЖўНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (ОДКБ) Коллектив хавфсизлик кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида иштирок этиш учун 3 февраль куни Москва шаҳрига жўнаб кетди.

Ў.А.

СОФЛИККА ГАМХўРЛИК

Япониянинг "Mitsubishi Corp" компанияси бу йил мамлакатимиздаги учта йирик кимё саноати корхоналарига 5 миллион АҚШ доллари миқдориди сармоа ажратишга қарор қилди.

Улар орасида Чирчиқ шаҳрида фаолият юритаётган "Максам-Чирчиқ" корхонаси ҳам бор. Мазкур лойиҳа амалиётга татбиқ этилган, кимё корхоналарининг атроф-муҳитга етказаятган турли кўринишдаги зарарлари ҳажми кескин камайди.

Ғ. РАҲМАТУЛЛАЕВ.

ҲАР ЁШДА БИР ФИКР БОР

Бугун дунёда юз бераётган воқеаларга муносабат билдириш, айниқса, бу хусусида талаба ёшларнинг фикрлари ҳам қўнук тутиш жуда катта аҳамиятга эга.

Тошкент тумани ижтимоий-иқтисодий коллежида ўтказилган "Жаҳон глобал молиявий инқирози: муаммо ва ечимлар, бунда Ўзбекистон тараққиёти моделининг ўзига хос хусусиятлари" мавзусидаги илмий-амалий анжуман айнан шу мақсадда ташкил этилди.

Конференцияда вилоят ўрта-махсус касб-хўнар таълими бошқармаси вакиллари, иқтисодчи олим ва экспертлар иштирок этидилар. Унда "Молиявий инқирозлар ва уларни вужудга келтирувчи омиллар", "Молиявий глобаллашуви: асосий тушунчалар, жараёнлар, жаҳон молиявий инқирозининг таъсирини камайитириш ва унинг оқибатларини бартараф этиш омиллари" мавзуларида илмий маърузалар тинланди.

Аҳамиятли томони шундаки, анжуманда талаба ёшлар ҳам ўз маърузалари билан иштирок этидилар. Учкун ҲАМДАМОВ.

2009 йил 4 февраль
ОБУНА
Савон этмоқда.
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ГЕОГРАФИК ҚИТАЪИ - 203.

Давра сўхбати

РАҒБАТЛАНТИРИШ ДАВОМ ЭТАДИ

Мамлакатимизда навқирон авлод камолини кўзлаб йирик дастурлар амалга оширилмоқда. Хусусан, "Ёшлар йили" Давлат дастури юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этишда ёшлар фаолиятини кучайтириш, мустақил тараққиёт йўлини белгилашда уларнинг ўрни ва мавқени чуқур тахлил этиш, йигит-қизлар онгига истиқлол ғояларини, Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини сингдиришда бир қатор янги йўналишларни очиб берди.

Вилоят ҳокимлиги ҳамда фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вилоят минтақавий ахборот-таҳлил маркази ҳамкорлигида "Ёшлар йили" Давлат дастури: Тошкент вилоятида амалга оширилган ишлар ва истиқболли вазифалар мавзусида ўтган давра сўхбати ёшлар масалаларига қаратилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари, вилоят ҳокимлиги, сиёсий партиялар, жамоат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Олдимизга кўйган юксак мақсадларни, — деди вилоят ҳокимининг ўринбосари Соҳиб Абдуллаев, — барча эзгу ниятларимизни амалга оширишда аввало кадр, миллий ва умуминсоний кадрлар руҳида тарбия топган, мамлакатимиз иқтисодини модернизация қилиш

Хасанбой САЪДУЛЛАЕВ.

Факр

ТАБИИЙСИДАН СУЊИЙСИ ҲОСИЛДОРРОК

Ҳозирги пайтда жаҳондаги энг долзарб муаммолардан бири иқтисодий инқироз ва уни келтириб чиқарган сабабларни бартараф этишдир. Бирлашган Миллатлар ташкилати (БМТ) айни пайтда дунё аҳолисининг фаровонлигини ошириш учун кўйилган тўртта режани амалга оширишни мақсад қилиб кўйган. Булар: энергетика, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, ҳам ашё ресурсларини излаб топish, атроф-муҳит муҳофазаси масалаларини қамраб олувчи дастурлардан иборатдир.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан бери Юрбошимиз бошчилигида халқ фаровонлигини ошириш мақсадида қатор лойиҳалар ишлаб чиқилган бўлиб, улар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Жаҳон иқтисодий инқирози ўз навбатида Ўзбекистонга ҳам таъсир қилиши мумкин, 2009 йилнинг Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб эълон қилинши иқтисодий инқирознинг олдинчи оқишга қаратилган глобал чоралардан бири ҳисобланади. Ички бозорларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдирish, улар турини кўпайтириш ва сифатини оширишда Юрбошимиз айтганларидек, фермер ва тадбиркорлар халқ килувчи кўчага айланарлик керак. Ҳозирги усталири билан асл заминдорлар ердан оқилгина фойдаланган ҳолда мўл ҳосил олиш чораларини излаб топishлари ва амалда қўллашлари лозим.

Қишлоқ ҳўжалигида юқори ва сифатли ҳўсилдорлик эришиш учун тупроққа тўғри ишлов бериш ва экиннинг яхши ривожланиши ҳамда мўл ҳосил бериши учун керакли бўлган озуқа моддалари, турли кимёвий элементлар билан тўйинтирилиши катта аҳамиятга эга. Усимлик нормал ривожланиши ва мўл ҳўсил бериши учун тупроқ озуқа моддалари ва керакли макро ва микроэлементларга бой бўлиши керак. Агар тупроқда озуқа моддаларининг тури кўп

бўлиб, ўсимлик уларни ўзлаштиришга мослашмаган бўлса, у бундай ерда ривожланмайди, чунки у тупроқдан ўзи "ёқтирган" озуқанигина олади.

Қатор мамлакатларда сўньий тупроқ яратиш технологияси ишлаб чиқилган бўлиб, тупроқ ўсимлик учун керакли ионлар билан бойитилади, сўньий тупроқ таркибида 10-15 фоиз озуқа моддалари ва керакли микроэлементлар мавжуд. Бундай тупроқда ўсимликларнинг бир неча авлодини ўстириш ва мўлжалланган ҳўсилдорликка эришиш мумкин.

Сўньий тупроқ сочилувчан бўлиб, у ҳўсилдор тупроққа кўм, 10-15 фоиз озуқа моддалари (протангирланган ўғит), фойдаланмакро ва микроэлементлар қўшиб тайёрланади. Бир кў метр сўньий тупроқда 500 килограммгача биомасса ўстириш мумкин. Сўньий тупроқдан иссиқоналарда ва оранжерияларда ҳам фойдаланса бўлади.

Вилоятимиз пойтахтга яқин бўлганлиги сабабли фермерлар ўз иссиқоналарида сўньий тупроқдан фойдалансалар юқори ҳўсилдорликка эришган, экологик тоза маҳсулотлар билан шаҳар аҳолисини етарли таъминлашга ўз ҳиссаларини қўшган бўлар эдилар.

Ахбор АҚРОМҲўЖАЕВ, ТошДАУ ҳўжасидаги Қиўрай академик лицейи ўқитувчиси, кимё фанлари номзоди.

Ақромхон туман марказидаги ишларини битириб, фермага қўйганида, уни паррандачиликка ихтисослашган қўшни фермер ҳўжаликлари раислари Хусниддинхон Мирхалилов ҳамда Ақром Қосимов кўтиб туришарди.

— Э-э, қўйил сизга, раис, — ҳўл-аҳволдан сўнг реконструкция қилинган бинога ишора қилди "Парранда-Барака" фермер ҳўжалиги раиси Хусниддинхон. — Боплабсиз-ку жўйни. Бу ерда мўлжал қўлганингиздай, беш минг эгас, етти минг товуқ сақласа бўлади. Сизни кўтиб ўтирмай, ичкарини кўриб чиқдик. Биздан сўрасангиз, тухум берадиган товуқлар учун хоналар аслида шундай бўлиши керак.

— Раҳмат. "Пахтабанк" да шу мақсаддаги кредит масаласи билан бироз ўшланиб қолдим, — мехмонларни кўтириб кўйганидан хижолат бўлган Ақромхон қайта-қайта узрини айтди. — Қанча кредит олаёйсиз?

— Юз миллион, адаш, — деди Ақромхон папкадаги ҳўжатларни кўлига олар экан. — Мана, буларнинг ҳаммасидан банкка топширдим. Дарвоқе, эртага туманга республика Марказий банкдан вақиллар келди, дейишди. Фермер ҳўжаликлари раислари иштирокида бўладиган йиғилиш айнан шу кредит масаласи билан боғлиқ экан. Ҳўкимликда сизларни ҳам хабардор қилишимни таъинлашди.

— Ҳўкуматимизга раҳмат, ишлайман деганга имконияти яратиб бераёпти. Илгар бундай шароитлар, имтиёзлар қаерда эди дейсиз. — Ақромхоннинг сўзларини қувватлади Хусниддинхон. — Бугунги давр иш билганники, интилганники. Мана, ўзингиздан мисол. Чорвачиликни туну кун тиним билмай ривожлантир-

дингиз. Энди паррандачиликни йўлга қўйясиз.

Дарҳақиқат, Охангарон туманидаги чорвачиликка ихтисослашган "Ҳўжи-Ақбар" фермер ҳўжалиги мустақилликнинг дастлабки йилларида ташкил этилиб, Юрбошимизнинг мамлакатимизда чорвачиликни ривожлантириш, аҳолининг гўшт ва сўт маҳсулотларига бўлган талабини тўлароқ қондириш вазифаларини аниқ белгилаб берилган фармон ва қарорлари қўлга кирганидан сўнг янада кенгайди.

Фермер ҳўжалиги туман марказидан тўрт километр

400 га яқин қорамол, шўнингдек, яйловда боқиларган 100 бош кўй бор. Туман марказида ҳўжаликнинг сўт ва гўшт маҳсулотлари, мева-сабзавот билан савдо килувчи дўконлари, ошхона ва новвойхоналари ишлаб турибди. Уларда сотилаётган маҳсулотларнинг аксарияти ҳўжалик фермасида ва унинг экин майдонларида етиштириляпти. Айтиш жоиз, биргина сўт маҳсулотларининг ўзидан ойига банкка 2 миллион сўмдан зиёд нақд пул тошириляпти.

— Ҳўзир сўтни қайта ишлашга ихтисослашган кичик



янада улкан. Мақсад, соғин сугирлар сонини яна 20 бош зотли моллар ҳисобига кўпайтириш. Озуқа базасини мустақамлаш ниятида тошлоқ ерлар ҳисобидан 45 гектар бедозор барпо этиш ҳамда озуқа тайёрлаш цехи фаолиятини йўлга қўйишдир. Бу ҳаракатларда фермерга ўғиллари — иқтисодчи Алишер ҳамда бўлғуси зоотехник Ақбархон кўмаклашяпти. Бугун 20 дан зиёд киши меҳнат қиляётган бу жамоада қизи Муножот, тўнғич келини Ҳўлар иш юртиши ва ҳисобчиликни олиб боришяпти.

ли кредит ҳисобига "МТЗ-80" универсал трактори, 2 та хизмат машинаси сотиб олинди.

— Техника деҳқоннинг қаноти, — дейди Ақромхон Мунавваров. — Уларнинг кўмагисиз қишлоқ ҳўжалиги, чорвачилик соҳаларини ривожлантириб бўлмайди. Мана, мавжуд ерларни сифатли шудгорлаб, ўғит бердик. Яйловларда ҳам баҳорга ҳўзирлик кўриб қўйилди. Янги товуқхона ҳам тайёр. Апрель ойи охирида 5 мингта зотли жўжа оламиз. Айни вақтда бу жўжалар кўшни ферма — "Барака парранда" ҳўжалигида парвариланмоқда. Бу биз учун жуда қўлай. Қолаверса, ишни тажрибали мутахассислар маслаҳатлари ёрдамида ташкил этаёғимиз.

Чорвачилик ва деҳқончилик илмини ўз фаолияти давомида мукамал ўзлаштирган тажрибали фермер Ақромхон Мунавваров ва у бошлиқ жамоа аъзоларининг бугунги режалари

Мунаввара ИСОҚУЛОВА, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

СУРАТЛАРДА: фермер Ақромхон Мунавваров туман бош зоотехниги Шавкат Эрнарзоров билан "Тошкент ҳақиқати" газетасининг янги сонини кўздан кечирмоқда; фермада моллар учун озуқа тайёрланапти.

Муаллиф олган суратлар.

БАРИ ИМТИЁЗДАН, ИМКОНИЯТДАН

узюқликдаги далада жойлашган. Чотқол тоғи этаклари билан тўташ ўтлоқ майдонлари 200 гектардан иборат. Яйловга яқин "Беловуттисой"нинг шарқираб оқаётган зилот сувлари эрта баҳордан кеч кузгача ҳўжалик чорчасини оби ҳаёт билан таъминлайди.

— Яйлов — чорва моллари учун энг тўйимли ва фойдали озуқа манбаи, — дейди фермер Ақромхон Мунавваров. — Шу боис моллар соғлом. Улар зооветеринария қондалари асосида эмлаб турилади. Бу зарур амаллар моллар маҳсулдорлиги ошишига кўмаклашяди. Яйловда чўпонлар учун барча зарур шароитлар яратилган. Ҳўжалик ҳисобидан икки маҳал иссиқ овқат тайёрланади. Кўчма вагонларда биринчи тиббий ёрдам учун ҳамма имконият бор. Улар дам олиш вақтларида газета ва журналларнинг янги сонлари билан танишдилар.

Айни вақтда фермада



цех очиш арафасида, — дейди фермернинг турмуш ўртоғи, сўт маҳсулотлари дўкони сотувчиси Малика. — Мақсад нафақат сўт, қатиқ, балки, сифатли қаймоқ, тўроғ каби маҳсулотларни ҳам кўпайтириш ва аҳолига сотишдир.

Фермада етиштириляётган гўшт ва сўт маҳсулотларидан тумандаги "Саҳо-

ташқари 3 гектарга яқин майдон сабзавот ва полиз экинларига ажратилган. Ишчи-хизматчиларнинг иш ҳақи 180-200 минг сўмга тўғри келлади.

Иқтисодий жиҳатдан ривожланиб бораётган ҳўжалик ўзининг етарли техника базасига эга. Фермернинг эътирофи эйтишча, икки йил муқаддам имтиёз-

БУЮК ШОИР ВА МУТАФАККИРГА ЭҲТИРОМ

"Ёшлик" талабалар шаҳарчаси Маънавий ва маърифат марказида "Алишер Навоийнинг миллий маънавиятимизда тугган ўрни" мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

Ҳар бир халқ ўзининг маданияти ва санъати тараққиётига муносиб ҳисса қўшган алломаларини қадрлайди. Ўзбек умумтоз адабиётида ўзининг ўлмас асарлари билан ном қозонган кўплаб буюк алломалар бор. Улар орасида сўз мулкининг султони Алишер Навоий алоҳида ўрин тутади. Шoir ўз даврида туркий тил тараққиёти йўлида курашиб, бу тилни сарой тили даражасига кўтарган. Унинг нечоғли бой эканини ўзининг дoston-у ғазалларида исботлаб берган.

Анжуманда таъкидланишича, Навоийнинг ўлмас ва бой ижодининг дунёё саҳнасида тугган ўрни ва жаҳон илмига қўшган ҳиссаси беқиёс. Буюк шоир ижодини ўрганиши, унинг меросини илмий таҳлил қилиш бўйича сўнгги йилларда таъкидли тадқиқотчилар иш олиб боришлари ва бугунги кунда ҳам Навоийнинг адабий мероси кўпгина олимларни илҳомлантирмоқда.

Тадбирда таниқли адабиётшунос Султонмурод Олимовнинг "Навоий ёшларга" асари тарқатилди.

Сурайё МЕЛИҚУЛОВА, "Туркистон-пресс".

КЕКСАЛАР ДОИМИЙ ЭЪТИБОР ВА ЭЪЗОЗДА

Ўзбекистон фахрийларини иқтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармасида бўлиб ўтган йиғилишда ана шу ҳақда гап борди.

Жамғарма марказий кенгаши раиси Э. Боқибоев бошқарган йиғилишда республикамизда барча пенсионерларга мунтазам равишда моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиляётгани қайд этилди.

Ёлғиз кўрсатилар, пенсионерлар ва ногиронларни иқтимоий муҳофиза қилиш масалалари жамғарма фаолиятида асосий ўрин тутади. 2008 йилда жамғарма томонидан нуронийларга қарийб саккиз миллиард сўмлик моддий ёрдам кўрсатилгани бунинг таъсидидир.

Жамғарма кўмаги билан барча ёлғиз қариялар диспансер кўригидан ўтказилди, даволанишга муҳтожлар стационар, амбулатория ва уй шароитида даволанди. Уларга бепул дори-дармон етказиб берилди.

Шу билан бирга, кўплаб фахрийлар саломатлик ва даволаниш масканларида соғлигини тикляётгани, уларнинг қадимий шаҳарлар, зиёратгоҳ ва қадимжоларга саёбатлари мунтазам уюштириляётгани ҳам кекса авлод вақилларига кўрсатиляётган эътиборнинг яна бир ифодасидир.

Фахрийлар жамиятимизнинг иқтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиб, ёш авлодини ана Ватанга, халқимизга меҳр-муҳаббат, мустақиллик ғояларига садоқат руҳида тарбиялашда ўзларининг бой таъбири, куч ва билимини сафарбар этишмоқда.

Т. БОТИРБЕКОВ, ЎЗА муҳбири.

Қарор ва ижро

ҲАМЖИҲАТЛИК САМАРАЛАРИ

— Шаҳримизда 62 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади, — дейди шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси Қундуз Рихситиллаева. — Шундан 32 минг нафардан ортигини аёллар ташкил этади. Олти мингдан зиёд қизларимиз турли таълим масканларида ўқийди, тўққиз минг нафарга яқин хотинчи турли идора ва ташкилотларда, меҳнат жамоаларида фаолият кўрсатмоқда. Афсуски, ОИТС билан касалланганлар, фохшабозлик, гийёхандлик каби иллатлар бива ҳам умраб туради.

Мутасадди ташкилотлар берган маълумотга кўра, шаҳарда ОИТС касаллиги билан оғрилган сонини 42 нафарни ташкил этади. Таҳлиллар шунки қўрсатмоқдаки, энгил-елли жинсий ҳаёт, гийёхандлик сингари қусурлар бу касаллик тарқалишининг асосий омилдир. Дарҳақиқат, касалланганларнинг асосий қисмини гийёхандлар, тубан ахлоқли кимсалар ташкил этади. Айни пайтда улар қатъий назорат остига олинган бўлиб, кекраки дори-дармонлар, тиббий воситалар билан таъминланмоқда.

ОИТСнинг олдини олиш, унга чалинганларга ёрдам кўрсатиш соғлиқни сақлаш муассасалари, тиббиёт ходимлари зиммасига катта масъулият юкляйди. Янгийўл шаҳар саломатлик маркази ва кўп тармоқли марказий поликлиника ходимлари бу борада белги-ланган чора-тадбирларни изчил амалга оширмоқда.

Хусусан, поликлиникада ташкил этилган оқумли касалликлар бўлими Янгийўл шаҳри ва яқин атрофдаги туманлар аҳолисига хизмат кўрсатиб келаяпти.

Рўйхатга олинган бундай беморлар тиббий дори-дармон ва керакли воситалар билан таъминланади, уларнинг жисмоний ва рухий ҳолати мунтазам равишда текширувдан ўтказиб туриляпти, — дейди поликлиника оқумли касалликлар бўлими шифокори Д. Парпиев. — Халқимиз маънавиятига ёт бўлган, инсонни тубанликка етакловчи зино, бузуқлик қандай ноҳуси оқибатларга олиб келиши азалдан маълум. Муқаддас китобларимизда бу каби ноҳўш ишлар қаттиқ қораланган, бундай кимсалар ҳар доим кишиларнинг нафратига, ғазабига дучор бўлган. Айни пайтда фахш ОИТСнинг асосий манбала-

— Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этишда, ОИТС, гийёхандлик сингари иллатларнинг олдини олишда биз ҳам ўз ҳиссамизни қўшишга ҳаракат қилмоқдамиз, — дейди "Камолот" ёшлар иқтимоий ҳаракати шаҳар кенгаши раиси Хусан Қосимов. — "Ёшлар йили" Давлат дастури доирасида маҳалларда, таълим-тарбия муассасаларида ушбу мавзуда кўплаб маънавий-маърифий тадбирлар, давра сўхбатлари ва мулоқотлар ўтказилди. Жумладан, "Ёшлар орасида гийёханд моддалар қилиниши ва истемол қилинишининг олдини олиш ҳамда ОИТСга қарши курашиш" мавзусидаги учрашувлар, ОИТС, одам савдоси ва фохшабозлик оқибатлари акс эттирилган театрлаштирилган томошалар ёшларда катта таъсирот қолдирди.

Азалдан маҳалла эзгулик, ахлоқ-одоб, умрбоқий қадриятлар бешиги бўлиб келган. Жамиятда маҳаллаларнинг мавқеи, ўрни ва аҳамиятини оширишга алоҳида эътибор қаратиляптир. Мазкур иллатларнинг олдини олиш, айнакча, ёш авлодини уларнинг таъсирдан ҳимоялашда ўзини ўзи бошқариш органлари ўз самарасини бераёпти.

"Мустақиллик" маҳалла фуқаролар йиғини шаҳардаги намунали, обод ва кўркам масканлардан бири. Бу ерда тўрт мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Худудда битта санаот қорхонаси, иккита мактаб, иккита болалар боғчаси, 65 хизмат кўрсатиш ва савдо шохбосчаси фаолият кўрсатмоқда. Маҳаллада ишсизлик муаммоси тўлиқ ҳал қилинган.

— Ҳар бир хонадондаги моддий аҳвол ва маънавий муҳитини изчил ўрганиб бораёғимиз, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси А. Қоратов. — Имон қадар турли иллатларга йўл бермасликка ҳаракат қиляёғимиз. Поклик, озодалик, ибодат, андиша сингари ўзбекона фазилатлар аслрар мобайнида халқимизнинг бебаҳо бойлиги, беназир зийнати бўлиб келган. Биз ҳам бу улғу фазилатларни суврат сийратимизга жо этиб, маҳалла фуқаролар йиғини раиси А. Қоратов. — Имон қадар турли иллатларга йўл бермасликка ҳаракат қиляёғимиз.

Поклик, озодалик, ибодат, андиша сингари ўзбекона фазилатлар аслрар мобайнида халқимизнинг бебаҳо бойлиги, беназир зийнати бўлиб келган. Биз ҳам бу улғу фазилатларни суврат сийратимизга жо этиб, маҳалла фуқаролар йиғини раиси А. Қоратов. — Имон қадар турли иллатларга йўл бермасликка ҳаракат қиляёғимиз. Поклик, озодалик, ибодат, андиша сингари ўзбекона фазилатлар аслрар мобайнида халқимизнинг бебаҳо бойлиги, беназир зийнати бўлиб келган. Биз ҳам бу улғу фазилатларни суврат сийратимизга жо этиб, маҳалла фуқаролар йиғини раиси А. Қоратов. — Имон қадар турли иллатларга йўл бермасликка ҳаракат қиляёғимиз.

(Давоми. Боши 1-бетда).

(Давоми. Боши 1-бетда).

ИСТЕЪДОДЛАРГА ТАСАННО

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театрида 2008 йили мусиқа ва санъат йўналишида ўтган халқаро танловларда ғолибликни қўлга киритган ёш ижрочиларни тақдирлашга бағишланган "Тасанно - 2008" кечаси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда нуфузли халқаро кўрик-танловлар, фестивалларда муваффақиятли иштирок этган ёш ижрочилар ва уларнинг устозлари қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг биринчи ўринбосари Б. Сайфуллаев Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёшларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга ётувчи инсонлар этиб воғға етказиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли

ишлар ўз самараларини бераётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги қарори ёшларимизни миллий ва умумбашари мусиқа ҳазинасининг энг нодир дурдоналаридан баҳраманд этиш, мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятини янада такомиллаштириш, моддий-тех-

ник базасини мустаҳкамлаш, соҳада фаолият кўрсатётган педагогларнинг меҳнатини эъзозлаш ва рағбатлантиришда муҳим омили бўлмоқда. Ёшларимиз нуфузли халқаро кўрик-танловлар, фестиваллар, концертларда муваффақият қозонмоқдалар. Ўтган йилда олтинчи нафарга яқин ўзбекистонлик ўғил-қиз ана шундай кўрик-танловларда ғолиб бўлди. - Юртимизда навқирон авлод истеъдодини ҳар томонлама рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қарати-

моқда, - дейди Республика махсус мусиқа академик лицейи директори Дилдора Жамолова. - Ана шундай эътибор ва ғамхўрлик лицейимиз ўқувчиларининг ҳам халқаро миқёсдаги танловларда муваффақият қозонишида муҳим омили бўлмоқда. 2008 йили лицейимиз ўқувчилари Франция, Германия, Португалия каби давлатларда ўтказилган нуфузли танловларда ғолиб чиққани бунинг тасдиғидир. Тадбирда санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида мусиқий дастур намойиш этилди. **Назозат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.**

Мулк ҳуқуқи

ҚОНУН ВА МЕРОСГА ВОРИСЛИК

Маълумки, мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф қилиш ҳуқуқи фақат шу мулк эгасига тегишли ва бу мулк у томонидан мерос ёки ҳада қилиниши, ворисларга тақсимлаб берилиши мумкин. Чунки, қонунга қўра, мулк ҳуқуқи мутлақ ҳуқуқ бўлиб, уни бузганидан ҳар қандай ҳатти-ҳаракатлар тақиқланади. Ҳуқуқий саводхон фуқаро ана шу талаблардан келиб чиққан ҳолда иш курси, қонуний ҳужжатлар орқича баҳс, низоларга ўрин қолдирмайди. Акс ҳолда турли таҳминларга асосланган кўр-кўрона ҳаракат қўллаб сарсонгарчиликларни келтириб чиқаради.

Зухриддин Тожиёв фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманлараро судига мурожаат қилиб, Хонобод қишлоғи Ёқубов маҳалласидаги ҳовли-жой бўваси ва бувисига тегишли эканлигини, амакилари Низомиддин ҳамда, Салоҳ Тожиёвлар ва аммаси Ҳури Йўлдошева қишлоқ фуқаролар йиғини раҳбарлари билан келишиб, ўйни бўлиб олиш тўғрисида қонуний қарор чиқаришганини ва бу қарорни бекор қилиб, суд қарори билан меросдан ўз улушини натура ҳолида ундириб беришни сўраган эди.

Судда аниқланган ҳолатларга қўра, З. Тожиёв меросхўрликни даъво қилаётган бўлиб, уй-жой қўрилган ер майдони 1986 йилда "Қорасув" давлат хўжалиги қарори асосида З. Тожиёвга ажратиб берилган ва 1999 йилда Зангиота тумани ҳокимияти қарорига қўра, уй-жойга шахсий эгалик ҳуқуқи берилган. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг тегишли моддаларига қўра, мерос қолдирувчининг биринчи навбатдаги ворислари - хотини ва болалари бўлмаганлиги сабабли иккинчи навбатдаги меросхўри сифатида унинг синглиси Х. Йўлдошевага қонун бўйича меросга эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома берилган. Фуқаро З. Тожиёвнинг даъво талабига қўра, низо предмети - шу ҳовли-жойдаги 17-А уйнинг ҳужжатлари текшириб қўрилганида, у З. Тожиёвнинг отаси ёки бобоси ва бувисига умуман тегишли эмаслиги аниқланди ва суд унинг даъвосини асоссиз деб топиш ҳақида қарор чиқарди. Хал қилув қароридан норози бўлган З. Тожиёв фуқаролик ишлари бўйича вилоят судига апелляция тартибда шикоят хати берди. Вилоят суди бу масалани ҳар томонлама ўрганиб чиқиб, фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманлараро суди фуқаро З. Тожиёвнинг даъво талабларини рад этиш ҳақида тўғри хулосага келган деб топди ва унинг хал

қилув қарорини ўзгартириш қолдирди ҳақида ажрим чиқарди. Агар З. Тожиёв Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 22-23-моддаларига белгиланган "Фуқаролар ва юридик шахслар тураржойни олди-сотди, ҳада ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асосларга биноан хусусий мулк қилиб олишлари мумкин" ва "Хусусий мулкда уйи бўлган фуқаролар ундан ўзлари ва оила аъзолари яшаш учун фойдаландилар" деган қонун ҳужжатларидан ҳардор бўлганида ҳеч қандай оворгарчиликка ўрин қолмасди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ҳар қандай ҳуқуқий демократик давлат суд ҳокимиятининг мустақил фаолият юритишига эришсагина жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқлари қафолатини таъминлаш ва шу орқали тараққиётга эришиш мумкин. Зеро, суд ҳокимиятининг савий-ҳаракатлари ихтиомий адолат, ҳуқуқий тартиб, қонун устуворлигини таъминлашга, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилишга қаратилгандир.

Д. НИШОНБОВ, Фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманлараро суди судьяси.

Кўриқлаш хизмати

ЎҒРИНИНГ КАТТАКИЧИГИ БЎЛМАЙДИ

Ички ишлар ходимининг ўз вазифасини муваффақиятли адо этишининг асосий гарови фуқароларнинг ишончини қозониш, десак муболага бўлмайди. Зеро, ходим ўз вазифасини сикдикидан бажариб, жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар ҳафсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга бўлган интилиши юртдошларимиз хотиржамлигининг қафолатидир.

Олмалик шаҳар ички ишлар бўлими ҳузуридаги кўриқлаш бўлими шахсий таркиби хизмат вазифаларига ана шундай масъулият билан ёндашаётир.


Бўлимимиз иншоотлар, қатор йирик муассаса ва фуқаролар хонадонларининг ишончи кўриқлаш, уларнинг дахлсизлигини таъминлаш мақсадида бор имкониятлардан тўлиқ фойдаланишга ҳаракат қилмоқда, - дейди бўлим бошлиғи Жасур Аскарлов. - 171 та объект ва 389 та хонадонга замонавий кўриқлаш воситалари ўрнатилиб, техник кўриқлаш пултига уланган. Шунингдек, улар "Тун", "Арсенал", "Тозалаш - Антитеррор", "Кидирув" ва "Қорадор" тадбирларида ҳам фаол иштирок этишаётир.

Мустаҳкам интизом ва муносиб меҳнат шароити яратилган жамоада ишини самараси ҳам юқори бўлиши табиий. Бўлим ходимлари ўз вазифасига масъулият билан муносабатда бўлаётганлиги тўғрисида жиноятчи тезда очилишига эришмоқдалар. Жумладан, жиноятчи Гултепа кўчасида умумий баҳоси 433 минг 257 сўм бўлган 80 метр алоҳа кабелли ярим тунда ўғирлаб, воқеа жойидан яширинди. Бироқ, ҳушёр ва тезкор ходимлар ушбу жиноятни оҳангарчилик, К. Нуриддин содир этганлигини аниқлаб, далилий ашёлар билан қўлга олдилар. Бўлим шахсий таркиби

кўриқлаётган ишлаб чиқариш корхоналари ва иқтисодийёт муассасаларида ташкилчилик ва ўғрилиқка йўл қўймайлик ҳам ходимларнинг энг муҳим вазифаси ҳисобланади. Уларнинг зийракликлари натижасида "Олмалик кон-металлургия комбинати" очик ақциядорлик жамиятига қарашли мис бойитиш фабрикасида юз бериши мумкин бўлган ўғрилиқнинг олди олинди. Ш. Турсун тўхтаб текширилганда, камзули ва шимининг бел қисмига оғирлиги 10 килограммга яқин, таркибиде қимматбаҳо металл қуқуни мавжуд бўлган қуқуни моҳирлик билан яшириб, ўмаршига урингани маълум бўлди. Шу комбинатда хизмат қилувчи К. Альфия ҳам нафс бошлаган йўлдан юрмаганида шарманда бўлмасди. У корхонанинг марказий назорат постидан ўтаётган вақтида зийрак ходимлар томонидан тўхтаб текширилганда, ёнидаги аёллар сумкасида 500 грамм микдордаги, таркибиде қимматбаҳо металл қуқуни мавжуд бўлган қуқуни олиб чиқиб кетаётгани ошкор бўлиб қолди.

Ўғрилиқ - жамият учун энг зарарли иллат. Шу боис бу жирканч қил қўл урганларни ҳеч қандай баҳонага сабаб билан оқлаб бўлмайди. Ақсична, уларни қонуний йўл билан жазолаш жамият оқсичталиғи учун жуда зарурдир. **Хуриш РЎЗИЕВ.**

Мажбурият



ЭНГ ЯХШИ ДЎСТ

Ҳозирги даврда ахборотларни тўғри қабул қилиш, ўзлаштириш учун маълум даражада билимдонлик талаб этилади. Бу борада ўқув тўлими муассасаларида олиб борилаётган таълим-тарбиянинг узвий қисми бўлган кутубхоналар, ахборот-ресурс марказларининг ўрни, аҳамияти беқимёсдир.

Зеро, энг яхши дўст хисобланмиш китоб, унинг мутлоаси инглиз файласуфи Фрэнсис Бекон таъкидлаганидек, инсонни билимдонлик, топқирлик сари етаклайди. Чирқик шаҳридаги саноат ва иқтисодийёт колледжидеги ахборот-ресурс марказида ўқувчиларни, китобхонларни ана шундай билимдонликка етакловчи китоблар, электрон дарсликлар кўриб етарли. Кутубхонада жами 47730 та китоб, 1223 китобхон бор.

Кутубхонамиз ҳаммаша китобсевар дўстларимиз билан гаважум, - дейди мутахассис Нигора Мелиева. - 8 минг 89 та бадий адабиёт, 51 та электрон дарслик, 719 та илмий-услубий қўлланма,

хато бўлмас. «Наврўз» маҳалласидаги филиалда 37 минг 392 та китоб бўлиб, ўн минг китобхонга хизмат кўрсатаётти. Усмон Юсупов кўчасидаги кутубхонада эса 43 мингга яқин китоб, 8 мингга яқин китобхон бор.

Ҳақиқатдан ҳам инсон билим тўғрисида баҳархёт. Билим, тафаккур инсон ҳаётининг негизи экан, кутубхоналар, ахборот-ресурс марказлари ўша баҳархётликка дахлдор эканлиги шубҳасиз. **Сайёра РИХСИЕВА.**

СУРАТДА: кутубхона хонқури, етакчи мутахассис Нигора Мелиева (ўртада) китобсевар дўстлари Дилноза Орипова, Муҳаммад Аширова, Муниса Юсупова билан. **Даврон АХМАД олган сурат.**

ХОНДАЙЛИҚҚА ГАЗ КЕЛДИ

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилнинг дебосасида Бўстонлик тумани Хондайлик қишлоғидаги 84 та хонадонга табиий газ келди.

Худудни газлаштириш ишлари қишқа вақт ичиде якунланди, - дейди туман "Маҳалла" жамғармаси раиси Тоҳир Расултоев. - Сабаби - туман марказидан қишлоққа бўлган бир километрдан зиёд масофага газ қувурлари ётқишига маҳалла ёрдами хашар йўли билан ёрдам берди. **Мунаввара ИСОҚУЛОВА.**

ЖИ ва ДУНИЁ

ИШЧИЛАР БОШ КЎТАРДИ

Ирландиянинг "Уотерфорд Кристал" шиша идишлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган компанияси салкам беш юз иш ўрнини қисқартириш ниятида. Бу ҳақда компаниянинг матбуот хизмати маълум қилди.

Хабарларга қараганда, иш ўринларидан маҳрум бўлган ходимлар норозилик билдирган - фабрикани қуриш олиб, жанжал кўтарган. "Уотерфорд Кристал"нинг иш бошқарувчиси Дэвид Карсоннинг сўзларига қўра, ушбу саноат корхонаси буткул таназзулга учра-



маслигининг ягона йўли иш ўрнини қисқартиришдир. Боси компаниянинг молиявий ахволи кун сайин ёмонлашмоқда.

ТОШҚИНГА САБАБ БЎЛДИ

Индонезияда табиий кўндан бўён давом этиётган қучли ёнигарчилик тошқинга сабаб бўлди. Табиий офат оқибатида ўнга яқин киши ҳаётдан кўз юмган, кўплаб одамлар бедарак йўқолган. Икки мингдан зиёд одам ҳавфсиз жойларга қочирилмоқда.

Антара ахборот агентлигининг тарқатган маълумотида қўра, табиий офат маълуматга бир триллион тўрт юз тўқсон миллиард рупий (қарийб бир юз қирқ миллион АҚШ доллари) микдорда зарар етказган. Тошқиндан, айниқса, Сулавеси ороли катта зиён кўрган.

Минглаб тураржой биналари, кўплаб кўприк ва йўллар вайрон бўлган, электр узатиш тармоқлари ва сув таъминоти тизими ишдан чиққан, оролинг катта худуди сув остида қолиб кетган. Айни дамда сувнинг сатҳи икки метрни ташкил қилмоқда.

ГРИППГА ҚАРШИ ЯНГИ ВАКЦИНА

Япония Соғлиқни сақлаш ва меҳнат вазирлиги мутахассислари парранда гриппи вирусига қарши универсал вакцина яратдилар.

Маълумотларга қараганда, ушбу янги вакцина "Эйч5-Эн1" штамми вирусига ҳам қарши кураша олади. Айни вақтда олимлар мазкур препаратнинг салбий таъсир даражасини аниқлаш устида иш олиб бораёттилар.

Маълумот ўрнида шуни айтиш жоизки, сингапурлик олимлар парранда гриппи



вирусини аниқлайдиган ускуна яратган. Мазкур асбоб "Эйч5-Эн1" штамми вирусини одатий лаборатория тестларига қараганда ўн марта тез - ўттиз дақиқа ичиде, организмда касаллик аломатлари пайдо бўлмасданок аниқлашга қодир. **ЎЗА.**

Частная фирма "ZARDUNYO", расположенная по адресу: г. Ташкент, ул. Паркентская, дом 9, зарегистрированная 23.07.2003 г., № 001271 отделение государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Мирзо-Улугбекского района г. Ташкента (ИНН 204624797), ЛИКВИДИРУЕТСЯ (Решение Учредителя № 1 от 10.01.2009г.). Претензии принимаются в течение 2-х месяцев с момента публикации объявления по телефону: 186-06-30.

Учтепа тумани, 2-тор Атойи кўчаси, 20-уй учун 2004 йил 20 апрелда Учтепа тумани ТЖБИХ бўлими томонидан Икрамова Умири номига берилган уй лани йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Утерьяные кадастровые документы на здание 4-402/2005 и на земельные ресурсы № 0202808027 и на здание рег. № 4-42/2005 по адресу: г. Ташкент, Хамзинский район, рынок "Авиасозлар", ул. Шолохова, дом 1, 2-блок, № 58 на магазин, выданные на имя Азизовой Гулчехры Карабаевны, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМИ.**

СУВЛИ ВА БОТҚОҚЛИ ХУДУДЛАР МУҲОФАЗАДА

Сайёрамизнинг қарийб етмиш беш фоизи сув ва ботқоқликлар билан қопланган. Бундай худудлар нафақат иқтисодий-ижтимоий тараққиётга, балки табиий мувозанатни таъминлаш, усимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза-лаш, биохилма-хилликни асрашга ҳам хизмат қилади.

Ушбу ноёб табиий худудларни асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга асл ҳолича етказиш мақсадида 1971 йил 2 февраль кунини Эроннинг Рамсар шаҳрида сувли ва ботқоқли худудларни муҳофаза-лашга қаратилган халқаро конвенция қабул қилинган эди. Ҳозиргача бир юз эллик саккиз давлат, жумладан, Ўзбекистон ҳам қўшилган ушбу конвенция қабул қилинган сана Халқаро сувли-ботқоқли худудлар кўни сифатида нишонланади.

Ўзбекистон табиий муҳофаза қилиш давлат қўмитасида шу муносабат билан бўлиб ўтган анжуманда давлат, жамоат, халқаро ташкилотлар вакиллари, олимлар, мутахассислар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Анжуманда сувли-ботқоқли худудларини халқаро миқёсда муҳофазага олиш тартиб-қоидалари, табиатнинг бундай ноёб худудларининг биохилма-хилликни сақлашдаги аҳамияти, муҳим орнитологик худудларнинг экологик мувозанатини таъминлаш борасида амалга оширилаётган дастур ва лойиҳаларга оид маърузалар тингланди. **Б. ХИДИРОВА, ЎЗА мухбири.**

Инсон ва қонун

лар билан "шериклар"ни Мансурбек Ҳожиёв таъминларди. Бу йигит эндидагина 28 ёшга кирган, Хоразм вилоятининг Урганч туманида истиқомат қиларди. Дастлабки машиналар кела бошлагач, мижозларнинг кети узилмай қолди. Ҳаммага Бош прокуратурадаги бакуват юртдошлари Хо-

нинг гувоҳи бўлишган. Банд раҳбари қалбаки машиналар сотиш билан келчаниб қолмади. У бир кунли маҳбубасини ўлдиршига қасд қилгани учун йигирма йилга озодликдан маҳрум этилган Э. Ким исми кимсаннинг қариндошларини излаб топди. Қариндошлардан 10 минг

Масалан, Нуриддинов Тошкент вилояти, Янгийўл туманидаги "Маликам - Мадинам" фермер хўжалиги раисаси Нигора Тўржонлиевага 100 минг доллар бериб, бу пулларни қорвалчилик фермасини ривожлантиришга сарфламоқчи бўлди.

Бу уйдабуронларни "ҳамкасблари" алдаб кетган ҳўллар ҳам йўқ эмас. Масалан, Нуриддинов Улғабек Камоллов деган кимсаннинг ёлгон ваъдасига ишониб, унга деярли 65 минг доллар пул берган. Камоллов ўзига эскидан таниш бўлган бир аёлни Ўзбекистон Республикаси Президенти девониде ишлайди деб кўрсатиб, алдайди ва Нуриддиновнинг мансабини кўтаришга ишонтаради. Хуллас, халқ мақолида айтилганидек, зўрдан ҳам зўр чиқади...

Прокуратуранинг "буюк" ходими ўзини руҳий хаста қилиб кўрсатишга, руҳий хасталар касаллигига ётиб, "муддат"дан қутулиш учун ҳатто ўз томирини кесишга ҳам ҳаракат қилди. Лекин бу ишда актёрлик истеъдоди етишмай қолди...

Бу воқеаларни қўриб, беихтиёр ўтган асрининг шов-шувларга тўла 90-йиллари ёдга тушади. Ушанда Михаил Мавроди ва унинг "МММ" молиявий пирамидаси бутун бошли Россияни миллиардлаб долларга куйдирган эди. Хуллас, аркон қанчалик чувалмасин, барбир, охири топилади. Лекин у мунгли бўлиб чиқди. Ф. Нуриддинов умумий режимидаги колонияда 15 йил, К. Шихов, О. Сапарбоев ва М. Ҳожиёв 11 йилдан, Д. Пулатов эса 7 йил жазо муддатини ўтайдиган бўлишди. "Ишбилармонлар" юртдошларининг машина олиб, бойишдек "ҳавас"ларидан фойдаланиб шийирган автомобиль "қўпиги" мана шундай аянчли тарзда ёриди. **www.region.uz**

ПРОКУРОРЧА «МММ»



"пирамиде" қуришга киришди. Аввало мижозлардан пул йиғиб олиниб, Тошкентдаги автомобиль бозоридан оддийгина машиналар сотиб олинарди. Кейин эса янги машиналарнинг бахтли эгаларини чақириб, таниш нотариуслар ҳузурида олди-сотиш шартномасини расмийлаштиришар эди. Айтганча, расмийлаштириш ишлари билан олий маълумотли хуқуқшунос, 37 ёшли Жаҳонгир Пулатов шугулланарди. У суд ҳукми билан етти йиллик жазо муддати олди. Лекин бу муддатнинг чорак қисми амнистия сабабли қисқартирилди. Биз бироз олдинга ўтиб кетдик, шекилли. Харидор-

размга арзон машиналардан серунум ёмғир ёғдираётгандек туюларди. Лекин кейин машиналар келмай қўйди-ю, "сукунат" чўкди. Фирмагарлар бешлигини "салобат ниқобин" билан таъминлаб турганлар орасида фермер хўжалиги раҳбари, 35 ёшли Қувондиқ Шихов ҳам бор эди. Юртдошлари унга ишоншиарди, чунки ўз бизнеси орасидан қандай қилиб оёққа турга-

ОҚИБАТ

Ойсарабувининг тўрваси тўлиб турган экан, эшикдан кириб келаётган кўшнисига нигоҳи тушди-ю, мишжалари намланди.

Борлигини шукр, Халимабону, — деди ўрнидан кўзга ташлади. — Суравчинг, истовчинг бўлмаса, бу дунё орқича юкка айланаркан, айланай.

Кўшни илдам келиб чўқалади, Ойсарабувини бағрига босди:

— Нега сўровчингиз, истовчингиз бўлмас экан, опа, — деди кампирнинг елкаларини силаб. — Ана, бағрингизда бир ховли неварою чевара. Ўғил-қизлар хизматингизда.

Кўшни оппоқ сочиққа ўралган нарзаларни бир-бир дастурхонга қўйди. Токчадаги «Телефон» чойнак сувга тўла эканлигини кўриб, орқа тилини босди.

Дастурхонда пайдо бўлган қаймоқ, дурдага кўзи тушиб, Ойсарабуви кўшини миннатдор назар ташлади. Аслида ишга отланаётган келин ҳамма нарсани муҳайб қилиб, хонтахта чеккасига ўраб-чирмаб қўйиб кетган.

Лекин қийматли кўшининг оқибати бошқа-да.

Шу фикр хаёлига келди-ю, Ойсарабуви оғир «ух» тортиди. Ёнбошида чой дамаётган кўшни ялт этиб қаради:

— Яна нима бўлди, опа? — Узим, шундай...

Халимабону чойни қайтарди, келини хозиргина тандирдан узиб берган иссиқ нонлардан бирини ушатди. Буг аралаш нон хиди хонани тўтиб кетди.

— Зап келин олдингизда, Халимабону, — деди кампир бир бурда иссиқ нонни қаймоққа ботиряйтиб. — Умридан барака топсин.

У кўшни қуйиб, узатган чойдан бир хўпладиди-ю, яна хаёллarga берилди. Узини қанча чалғитмасин, кечаги воқеани асло унута олмапти. Кечкурун ўғли сезиб қолди, тоза гапга солди.

Айтолмайди, чунки ўғли бу воқеани эшитса, ранжийди, худо кўрсатмасин, тоғавачасининг юзига солишдан, таъна қилишдан ҳам қайтмайди.

Охири ораларига совуқчилик тушди. Чунки, яккаю ягона ўғли тоғасини асло озгидан қўймас, ҳафта-ўн кунда хабар олиб турарди. Тоғанинг баногоҳ халокатга учраши ўғлини қанчалик изтиробга солганини айтиш эслайди.

Тоғасига меҳри шунчалик эканки, тўнғич ўғлига унинг исмини қўйди, у кишини эслаб юрамиз, руҳлари шод бўлади, деди.

— И-е, опаюк, кўзга ёш олаясизми? — Ўғил — ўғил, ака — ака экан, Халимабону, — деди кампир. — Кеча шу пайтларда мана шу телагинидаги дераза ойнаси устмас-уст чертилди. Ўғлим Шавкатжон ёнимда ўтирганди. Дарҳол чиқди. Дераза олдидан ўн дақиқача гаплашишди. Овоз қулоғимга таниш туюлди. Салгинадан кейин илгидим, Миркомилнинг товуши...

Бу исми эшитиши билан кўшни Ойсарабувининг

дарди-дунёсини тушунди, ич-эти музлаб, бир сесканиб қўйди.

Миркомил кампирга ака ўғил, яъни жиан. Бир пайтлари қишлоқ шўросига раис бўлди, ҳозир қайси-ди идорада раҳбар дейишди. Беш-олти хонадон нарида катта ўғли учун иморат ҳам қурган. Шунча яшаб, у амманинг хонадонига дориганини қургани, эшитгани йўқ. Кампир кенжа набираси қўлини ҳаллолаганида, Миркомилнинг хотини бирров келиб кетганини Халимабону яхши билади.

Хайрлашаётганда беҳитибёр гаплари қулоғига чалиниб қолган: «Энди, аммаюк, ўзидан қолар гап йўқ. Миркомил жианинг кеча-кундуз ишдалар. Мана, тўйга ҳам ёлғиз келдим» деганди келин таванини кўлга олаётганда.

— Шу дераза орқасида ўғлим билан гаплашдида, кетди. Қирай, бирров амманни кўрай демади-я, Халимабону.

Энди кампирнинг кўз ёшлари қуйилиб-қуйилиб келарди. Юз ажинларига юмалаб тўшаётган бодроқ томчиларни рўймол учи билан арта-арта хўл қилиб юборди. Кўшни қандай юпатишни билмай, эзилди ўтирарди. Кампир кечадан буён ўғли, келини, неваралари олдига ўзини йиғидан тийиб, қийнаб кетганини ҳам тушунди.

Шу сабаб, бошини эгганича жимгина ўтирди, кампир дардини тўкиб солишига қўйиб берди.

Йилгай-Йилгай, ниҳоят, Ойсарабувининг кўзлари қуриди. Халимабону совуқчилик қолган чойни дераза тахтасидаги гудлонларга қуйиб, чойнакка қуруқ чой ташлади. Ёши бир жойга бориб, кекса-йиб қолган кўшни аёл ҳаракатларини кузатиб ўтирган Ойсарабувининг чехраси ёришди:

— Умрингиздан барака топинг, Бону, — деди қўйди. — Бола-чақангизнинг роҳатини кўринг.

— Вой опа, сизга қанча қилсам ҳам оз, қарзимни узоқламайман.

Ойсарабуви энди мутлақо бошқача кайфиятда эди. У ўзига саволмуз тикилиб ўтирганини кўриб, чой дамлаш устида Халимабонунинг чехраси қулгидан чакнаб кетди.

— Бу бахтининг сабабчиси ўзингиз. Эсингиздами, мактабга ишга келган йилим Хомиджон акам исимдан қолмасди, мен парво қилмасдим. У кишини менмасликкача борардим. Ушанда сиз оғохлантириб: «Эсингни йиғ, Хомиджондақасини етти оламда ҳам тополмайсан», дегандингиз.

Ойсарабуви таажубланди. Буни кўриб, кўшни яна хандон ташлаб қулди: — Эслай олмайсиз-да, опа. Сиз мендақанги кўп шаддод қизларнинг эсини жойига тушириб қўйгансиз. Шу сабаб менга берган ўғитингизни унутгансиз.

Ойсарабону чойни хузур қилиб хўплаб, юшмоқ жилмайиб қўйди.

Жўрабек МУРОДОВ.

Юнусобод туманидаги «JANNAT QURILISH» (ИНН 300632391) масъулияти чекланган жамияти ТУГАТЛАДИ.

Давлолар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой давомида 212-83-14 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси томонидан Бирлашган Араб Амирликлари фуқароси KHALID YOUSUF AL BUDOOR номига Чилонзор тумани, Чилонзор даҳаси, 1-мавзе, 14-уй, 27-хонадон манзилдаги офис учун берилган № 8114416058 рақамли ер кадастри, 3-344/2006 реестр рақамли кадастр ҳужжатлари йўқолганини сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

"CHINOZ TO'QIMASHI" ЛТД қўшма корхонаси бино ва иншоотлари учун берилган TV № 013132-серияли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Грециянинг Салоники шаҳрида Кураш халқаро ассоциациясининг (ККА) 2009 йилги мусобақалари тақвимида жой олган илк мусобақа – V халқаро Ислон Каримов турнири муваффақиятли якунланди.

АБДУЛЛА ПОЛВОН – МУТЛАҚ ЧЕМПИОН

Дунёнинг ўттизга яқин мамлакатидан келган юз нафардан зиёд полвон уч вазн тоифасида голиблик учун гиламга чиқди. Мазкур нуфузли мусобақада юртимиз шарафини дэюдо бўйича Пекин Олимпиадаси кутун медалли соҳиби, кураш бўйича жаҳон чемпиони Абдулла Тангриев ҳимоя қилди.

Мусобақанинг энг кескин ва мурасасиз курашлари мутлақ вазн тоифасида бўлди. Барча учрашувларда рақибларини мағлубиятга учратган Абдулла Тангриев ҳам қилувчи баҳода

— Одамга омад қилиб боқаман, деса, ҳеч гап эмас экан. Бўлмаса, келиб-келиб Кимсан Норов санъатшунос бўлиб қоладими? Ахир унинг касби фельд-шартер бўлса, партер билан партиуранинг фарқида бормаса, режиссёр билан дирижёрни бир одам деб ўйласа... Халқи кажрафтор деганлари шу бўлса керак-да.

Хуллас, ёз кунларининг бирида Кимсан Норовни иссиқ ўрнидан юлиб олди-лар-у, пўп этказиб бир кабинетга ўтказиб қўйдилар. Энди у бадий кенгаш раиси, фоҳижа ҳам, комедия ҳам, ҳофизу рақосанинг тақдирчи ҳам унинг измида.

Янги «санъатшунос» хос хонасининг хидига ўрганиб олган, амр қилди: — Урта зални тайёрланглар, Орзиқулловнинг ёзганини кўрамыз.

Маъмур елиб-югуриб, одамларни айтиб чиқди. Кичик кўриқхонани очиб, шамоллатди. «Импра» чой дамлаб, чойнакка баҳмал ёлғиз қийдириб қўйди. Кейин зинғиллаб бориб, Кимсан Норовни чақириб келди.

— Ҳамма нарса тахт, — деди қўлини кўксига қўйиб. — Муаллиф шу ердами? — деди «муаллиф»ни ўзича талаффуз этиб.

— Муаллиф, режиссёр, актёрлар — ҳаммаси шу ерда.

— Бўлмаса, чироқни ўчиринг.

Чироқ ўчди. Экран бир пас жимирлаб турди-ю, Рўзқул Орзиқулловнинг янги новелласи бошланди. У «Дока румолнинг қуриши» деб аталар, мазмунан соддагина эди.

Кизи келиб қолади-ю, неваро баҳона, эр-хотин ярашиб оладилар.

Томоша охирига етмай туриб, Кимсан Норовнинг елкаси тиришди. Новелла тугаб, чироқ ёнган, қовоғини солиб олди.

— Бўлмайди бу нарса, — деди, — қайси ўзбек итнинг бошини силайди? Шармандалик! Хўш, ана, силасин ҳам. Итга гапиргани нимаси? Ит одамнинг гапига тушунадими? Масҳара!

Рўзқулнинг юраги така-пука бўлиб кетди. У собиқ фельдшернинг нодонлигига ачинди, сизинг бошини-гизни Абдувоҳид ака силаб юрибди-ку, вафодор, демакчи бўлди. Бироқ оқибатини ўйлаб, бу тельба хаёлдан қайтди.

— Эски китобларда ит авлиё даражасида тасвирланган, домла, — деб мингиллади у. — Бир ит етти йигит билан душманлардан қочиб, неча йил горда бекиниб ётган экан. Машрабнинг ортида ҳам Китмир деган ити эргашиб юрган. Халқимизда «ит

АСОСИЙ УЧРАШУВЛАР ОЛДИДАН

2010 йили Жанубий Африка Республикасида бўладиган жаҳон чемпионати саралаш учрашувларида Бирлашган Араб Амирликларида тайёргарлик кўрган футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси хорижий ўқув-машғулот йилнинг Озарбойжон терма жамоасига қарши ўртоқлик учрашуви билан якунлади.

Унда ҳар икки томон ҳужумкор ўйин кўрсатишга ҳаракат қилди. Етмишинчи дақиқада Ўзбекистон терма жамоаси ҳимоячилари рақиб ҳужумини қайтариш чоғида жарима майдончасида ўйин қолдасини берди. Ҳакам томонидан белгиланган пенальтини Фабио Луис аниқ бажарди.

Ўзбекистонлик чарм тўп

— Мен ҳар кимнинг зиёфатига боравермайман, — деди таманно билан Норов. — Уйдан у-бу нарса олиб келиб, шу ерда тамадди қиламан.

— Аввало, Рамазон ака хар ким эмас, халқ артисти, — деди ўзини босиб Рўзқул, кейин маъноли

униги бошини силаб турган Рамазон келди. Кўзларини юмди. Унгача Рамазон тўғри Кимсаннинг олдига келиб, тиз чўкди.

— Анчадан бери ният қилиб юрүдим. Норов акам билан ўтириш насиб қилса, ўз қўлим билан ош ошатаман, деб. Марҳамат, энгашсинлар.

Кимсан тисарилди. Қалласини сарак-сарак қилиб, ўзини олиб қочди.

— Жон ака, илтимос... Атрофдан «Ха, олинг энди, тақсир, ўзбекнинг русуми-да, бу» деган давлатлар эшитилди. Кимсан бетини буриб, қўли билан озгини тўсиб ўтираверди. Шу пайт Абдувоҳид Мардиёв Рамазонга қараб кўз қисиб қўйди-ю:

— Олаверинг, Норов — деди расмироқ товушда, — ошдан ҳеч ким ўлган эмас.

Норов икки ўт орасида қолди. Олай деса, тумшугида итинг бошини силаган панжа турибди, олмай деса, рўпарасида қошини чимириб, хурматли Абдувоҳид акаси ўтирибди. У ноилоҳ кўзларини юмиб, озгини очди. Шу заҳоти гуваладек ош лоп этиб Норовнинг лунжига қириб кетди. Норов иргиб турди. Бир қўли билан озгини ёлганча, ёнбошидаги ариқка қараб югурди. Сувга қаттиқ-қаттиқ ўқчида. Кўзларидан тиркираб ёш оқди. Рамазон билан Машрабнинг итини қаргаб, сув бўйида анча ўтирди. Қайтиб келганда, дастурхондаги ош ейилиб бўлган эди.

Шу-шу, Кимсан Норов кўпчилик билан зиёфатга бормайдиган бўлди.

Саъдулла СИЁЕВ.

Нидерландиянинг Вейк-ан-Зее шаҳрида ўтказилган аънанавий шахмат фестивалини Рустам Қосимжонов иккинчи ўринда якунлади.

РУСТАМ СОВРИНДОРЛАР САФИДА

Ҳафтанинг иккинчи кунини Рустам Қосимжонов ўч тўрт нафар гроссмейстер иштирок этган мусобақанинг сўнгги тўрт партиясида шахматчимиз Рустам Қосимжонов уч очко тўплашга муваффақ бўлди. У кетма-кет ўтказилган учрашувларда испаниялик Франциско Вальехо Понс, бразилиялик Енрике Мексинг, нидерландиялик Ирвин Л'Аминн мағлубиятга учратди. Сўнгги партияда россиялик Александр Мотилевга имконият бий берганига қарамай, саккиз очко билан совриндорлар сафидан жой олди. Бахрайндаги халқаро шах-

мат турнирида иштирок этган яна бир моҳир шахматчимиз Антон Филиппов саккизинчи тур учрашувини муваффақиятли якунлади. Мазкур партияда мисрлик Сарват Валаа ўзбекистонлик гроссмейстернинг ҳужумларини бартафат этолмади ва ҳамюртимизнинг галабасини тан оlishга мажбур бўлди.

Набатдаги галабадан сўнг беш ярим очко тўплаган А. Филиппов тўққизинчи турда франциялик Шокри Сами билан куч синашди.

Зоҳир ТОШХУҲАЕВ, ЎЗА мухбири.



«Машрабнинг ити бўлса, майли» (Ҳажвия)

вафо» деган нақл ҳам бор. Кимсан Норов ўзининг мартабаси хали Машрабнинг мақомига етмаганини ўйлаб, бир поғона паст тушди:

— Машрабнинг ити бўлса, майли. Барбир, анови артисга айтинг, қўларини аяшялаб ювиб юрсин. Шахсан мен ўша артист билан бир тобоқдин ош емасдим.

«Уша артист» Рамазон эди. Норовнинг гапини эшитиб, унинг ўти чиқиб кетди. «Вой, типратиканей, — деди ичиди, — қўрамин хали. Сенга мана шу қўлим билан ош ейдирмасам, юрган эканман».

Орадан бир ойча вақт ўтди. Рўзқул билан Рамазон Кимсан Норовни ошга айтиб келишди.

униги бошини силаб турган Рамазон келди. Кўзларини юмди. Унгача Рамазон тўғри Кимсаннинг олдига келиб, тиз чўкди.

— Анчадан бери ният қилиб юрүдим. Норов акам билан ўтириш насиб қилса, ўз қўлим билан ош ошатаман, деб. Марҳамат, энгашсинлар.

Кимсан тисарилди. Қалласини сарак-сарак қилиб, ўзини олиб қочди.

— Жон ака, илтимос... Атрофдан «Ха, олинг энди, тақсир, ўзбекнинг русуми-да, бу» деган давлатлар эшитилди. Кимсан бетини буриб, қўли билан озгини тўсиб ўтираверди. Шу пайт Абдувоҳид Мардиёв Рамазонга қараб кўз қисиб қўйди-ю:

— Олаверинг, Норов — деди расмироқ товушда, — ошдан ҳеч ким ўлган эмас.

Норов икки ўт орасида қолди. Олай деса, тумшугида итинг бошини силаган панжа турибди, олмай деса, рўпарасида қошини чимириб, хурматли Абдувоҳид акаси ўтирибди. У ноилоҳ кўзларини юмиб, озгини очди. Шу заҳоти гуваладек ош лоп этиб Норовнинг лунжига қириб кетди. Норов иргиб турди. Бир қўли билан озгини ёлганча, ёнбошидаги ариқка қараб югурди. Сувга қаттиқ-қаттиқ ўқчида. Кўзларидан тиркираб ёш оқди. Рамазон билан Машрабнинг итини қаргаб, сув бўйида анча ўтирди. Қайтиб келганда, дастурхондаги ош ейилиб бўлган эди.

Шу-шу, Кимсан Норов кўпчилик билан зиёфатга бормайдиган бўлди.

Саъдулла СИЁЕВ.

Норов икки ўт орасида қолди. Олай деса, тумшугида итинг бошини силаган панжа турибди, олмай деса, рўпарасида қошини чимириб, хурматли Абдувоҳид акаси ўтирибди. У ноилоҳ кўзларини юмиб, озгини очди. Шу заҳоти гуваладек ош лоп этиб Норовнинг лунжига қириб кетди. Норов иргиб турди. Бир қўли билан озгини ёлганча, ёнбошидаги ариқка қараб югурди. Сувга қаттиқ-қаттиқ ўқчида. Кўзларидан тиркираб ёш оқди. Рамазон билан Машрабнинг итини қаргаб, сув бўйида анча ўтирди. Қайтиб келганда, дастурхондаги ош ейилиб бўлган эди.

Шу-шу, Кимсан Норов кўпчилик билан зиёфатга бормайдиган бўлди.

Саъдулла СИЁЕВ.

ЯНГИ ТўПЛАМ ТАҚДИМОТИ

Ўзбекистон Бадий Академиясининг марказий кўргазмалар залида «Ижодимиз ҳақида гапирсак» номли тўпламининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

«Ижодимиз ҳақида гапирсак» тўпламидан ўз ижодий услуби ва йўналишини топиб, тасвирий ва амалий санъат дунёсига кирган етмиш тўрт нафар ёш ижодкорнинг асарлари, ижод ҳақидаги фикр-мулоҳазалари жой олган.

Тўпламга киритилган ёш ижодкорларнинг барчаси ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлишга ҳаракат қилаётган ва халқаро миксдаги нуфузли кўргазма ҳамда фестивалларда иштирок этаётган йигит қизлардир.

— Бу тўпламда менинг ҳам ишим чиққанидан жуда хурсандман, — деди Б. Мамедов. — Ўзбекистонда ижодкорлар учун барча шароитлар маъмул, биз ёшлар эса ана шу имкониятлардан оқилона фойдалана билишимиз даркор. Ниятим келажакда кадрят-


ларимизни янада чуқурроқ ўрганиб, миллий санъатни, тарихни ижодий асарларда гавдалантириб халқаро кўргазмаларда иштирок этиш.

Санъат ҳар бир инсон, ҳар бир халқ ҳаётида ҳеч бир мунобағасиз беҳиёҳат катта аҳамиятга эга. Президентимиз ташкидлаганидек, хозирги кунда миллий маънавиятимизни ривожини тасвирий санъат намуналарисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Ўзбек рассомларининг кейинги йилларда самарали ижод қилиб янги-янги ютуқларни қўлга киритаётганлиги бу соҳага қўйлаб ёш истеъодлар кириб келаятгани, унинг раванки ва истиқболдан далолат беради.

Рустам ХАЙДАРОВ, «Туркистон-пресс».

Рассом кинояси



Хусан СОДИКОВ чизган расм.

"ИЖ АВТО" РАСМИЙ ДИЛЕРИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ
АРЗОН БЎЛМОҚДА 1 йиллик қАФОЛАТ (20 000 KM) пул ўТКАЗИШ йўЛИ-ТУРЛИ
"ИЖ АВТО" расмий дилери чегирмалар фасли бошланганлигини маълум қилади.
Тақвир 2009 йил 15 март кунига ҳақиқий.
+ОСГО СОВГА ҚИЛАДИ
"SANAR" Х.К омборидан сотилади.
Батафсил маълумот учун телефонлар:
Тел.: 140-00-61/62, 110-41-43 (9.00-18.00)

Тошкент вилояти Хўжалик судининг 2009 йил 27 январдаги 11-0906/979-19-ва 11-0906/980-19-сонли ажримига кўра қуйидаги хўжалик юритувчи субъектлар: Рустам Замин МЧЖ ҳамда Хомий Бино шўъба корхоналари банкрот деб топилиши муносабати билан кредиторлар йиғилиши Қўбрай Давлат солиқ инспекцияси биносининг 110-хонасида 2009 йил 10 февраль куни соат 14.00 да ўтказилишини маълум қилади. Қўбрай ДСИ маъмурияти.

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ
Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими:
236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03, 236-53-54.
Манзилимиз:
100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун режа ва эълон берувчилар масъулдир.